

Ўзбекистон Бадий академиясининг
2021 йил “11” январдаги 16-4-сонли
буйруғига
илова

«КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ИЗДОШЛАРИ»

Республика ижодий танлови

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом ёш ижодкорлар ўртасида “Камолиддин Беҳзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари танловини (бундан кейинги ўринларда - “Танлов” деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёш истеъодли ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Камолиддин Беҳзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловини ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб борилади.

Ушбу танлов бевосита миниатюра ва халқ амалий санъати йўналишидаги ёш ижодкорларнинг миллий ўзлигимизни англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин санъат асарларини яратишдаги фаолиятини рағбатлантириш ва ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган.

1.3. Ўзбекистон Бадиий академияси Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди билан биргаликда “Камолиддин Беҳзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловини ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб бориш ва уни юқори даражада ташкил этиш учун масъул этиб белгиланади.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Тасвирий ва амалий санъатнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, тасвирий санъат оламига кириб келаётган ёш ижодкорларни ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш, улар ижодини ривожлантиришга кўмаклашиш;

миниатюра ва халқ амалий санъати соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, миллий санъатимизнинг келажагини таъминловчи ёш истеъоддларни излаб топиш;

ёш истеъодларни тасвирий ва амалий санъат асарларини яратишнинг янги ижодий услубларини излашга, халқимизнинг бой маънавий дунёси, озод ва обод Ватан келажаги олдида масъулиятли бўлиш, миллий ўзликни англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш;

уларда гўзал ва бетакор ватанимиз, миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва ифтихор туйғуларини шакллантириш;

ижодкор ёшларнинг изланиши, ўз қобилиятини намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш;

миллий санъатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ёш ижодкорларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уларнинг истеъдодини тизимли асосда тарбиялашнинг янги истиқболларини очиш максадида ташкил этилади.

2.2. Танловни ташкил этиш орқали қўйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

ёш ижодкорларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, жойларда ижодий муҳит шаклланишига эришиш;

ёшлар онгига Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар. ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва билим-кўнікмаларини янада юксалтириш;

ёш авлодни ватанпарварлик руҳида баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбида Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга хурмат туйғусини мустаҳкамлаш;

миллий санъатимизнинг дурдона асарлари, машҳур аждодларимиз ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, келажакда ёш ижодкорлар томонидан бадиий етуқ, юқори савияли асарлар яратилишига эришиш.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

3.1. Танловда **15 ёшдан 20 ёшгacha бўлган барча ёшлар иштирок этиши мумкин.**

3.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш масъул ташкилотлар (Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ҳудудий Ташкилий қўмиталар шакллантирилади) вакилларидан таркиб топган Ташкилий қўмита зиммасига юклатилади. Ташкилий қўмита танловнинг Ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ҳамда ҳайъат раисини тайинлайди. Ҳакамлар ҳайъати таркибиға Бадиий академия ва Бадиий ижодкорлар уюшмасининг масъул ходимлари, шунингдек, маданият ва санъат соҳасининг етакчи вакиллари киритилиши мумкин.

Ташкилий қўмита заруратдан келиб чиқиб, танлов Низоми ва уни ўтказиш тартибиға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

3.3. Танловда ёшлар ўzlари таълим олаётган ўқув муассасаси номидан иштирок этади.

3.4. Танлов қўйидаги икки ёш тоифалари бўйича алоҳида-алоҳида тартибда ўтказилади:

- 15 ёшдан 17 ёшгача;
- 18 ёшдан 20 ёшгача;

3.5. Танлов икки босқичда ташкил этилади:

3.6. Биринчи босқич - худудий босқич: Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги болалар мусика ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва санъат мактаблари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, соҳа йўналишидаги олий таълим муассасалари ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси худудий бўлимлари томонидан **01 февралдан 01 марта** гача танловнинг худудий босқичлари ўтказилади. Танловнинг худудий босқичларида ёш тоифалари бўйича биринчи 3 (учта) ўринни қўлга киритган ғолибларга Республика босқичига йўлланма берилади.

3.7. Иккинчи босқич – танловнинг республика босқичи бўлиб, танловнинг худудий босқичида ёш тоифалари бўйича биринчи 3 (учта) ўринни қўлга киритган ғолибларга Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилади, худудий босқичлар ғолибларининг ҳужжатлари ва ижодий ишлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси худудий Ташкилий қўмиталари томонидан **01 марта** – **10 марта** гача Танлов Ташкилий қўмитасига тақдим қилинади.

Ташкилий қўмита ҳар бир белгиланган номинациялар ва ёш тоифаси бўйича келиб тушган ҳужжатларни **10 марта** – **01 апрелгача** кўриб чиқади, республика босқичи иштирокчилари рўйхатини шакллантиради ҳамда Танлов ҳайъатига тақдим қиласди. Танлов ҳайъати **10 апрелгача** номзодлар орасидан танлов ғолибларини аниқлайди ҳамда танлов натижалари бўйича қарор қабул қиласди.

3.8. Республика босқичи иштирокчиларининг яқуний кўргазмаси ҳамда ғолибларни тақдирлаш тадбири ҳар йили анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” доирасида апрель ойида ўтказилади. Якуний кўргазма ва танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимининг ўтказилиш куни ва жойи “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” дастурида эълон қилинади.

3.9. Худудий босқич иштирокчилари аризалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси худудий бўлимларининг Ташкилий қўмиталарида, Республика босқичи иштирокчиларининг ҳужжатлари

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 37/А-уй манзилида (телефон: (71) 252-30-88, (71) 256-35-56) қабул қилинади.

3.10. Танловга битта иштирокчи томонидан эркин мавзуда яратилган 4 (тўрт) донагача бўлган ижодий ишлар тақдим этилади.

3.11. Танловга Низомга илова қилинган намуна асосида тўлдирилган аризалар қабул қилинади.

3.12. Танловга асарларни фақат иштирокчига бевосита дахлдор бўлган жисмоний ёки юридик шахс – таълим муассасасининг масъул вакили тақдим этиши мумкин. Асарларни танловга қайта тақдим этиш ва аризани қайтариб олишга фақат асарларнинг эгаси ҳақли.

3.13. Танловда иштирок этувчи иштирокчи ўз аризасига қўйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- иштирокчининг паспорт (ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) нусхаси;
- тақдим этилган барча ижодий ишлар ҳақида маълумот берилиши (асар номи, яратилган йили, техникаси);
- тақдим этилган барча ижодий ишлар номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилиши;
- эркин мавзудаги сўнгги уч йил давомида яратилган муаллифлик ишлари.
- иштирокчи тўғрисида маълумот (сўровнома).

3.14. Танловга тақдим этилган аризалар ҳудудий Ташкилий қўмиталар тасдиқлаган Эксперт гурӯҳи томонидан сараланади ва шу аснода номзодларнинг рўйхати шакллантирилади. Номзодларнинг якуний рўйхатини Ташкилий қўмита тасдиқлайди.

3.15. Танловда иштирок этаётган асарлар ва уларнинг мазмунига қўйидаги талаблар қўйилади:

- асарларнинг мазмuni танлов аудиторияси (ёшлар)нинг талаб ва қизиқишлирга мос келиши лозим;
- ишлар юкори даражада бажарилиши;
- тақдим этилган барча ижодий ишлар ҳақида маълумот берилиши (асар номи, яратилган йили, техникаси);
- асарнинг мавзуси асосида илғор гоянинг очиб берилиши;
- асарларнинг мазмуни ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялашга йўналтирилган бўлиши, уларнинг билим даражасини ва дунёкарашини ошириши керак;
- танловда иштирок этаётган асарларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини поймол этувчи материаллар, миллий

қонунчиликка зид бўлган материаллар, маънавий ва ахлоқий меъёrlарга тўғри келмайдиган материаллар жойлаштириш таъқиқланади.

IV. Ташкилий қўмита ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласди;
- танлов бошланиши тўғрисида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларига расмий эълон беради.
- Эксперт гурухи таркиби ҳамда уларнинг раҳбарларини тайинлади;
- танловга аризалар қабул қилиш жараёнини ташкил этади, аризаларнинг мазкур Низомда кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилишини назорат қиласди;
- танловни ўтказиш жараёнида Эксперт гурухи ва Ҳакамлар ҳайъатининг ишини мувофиқлаштиради;
- танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ташкил этади;
- танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этади.

4.2. Ташкилий қўмита ўз фаолияти давомида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- танловга тақдим этилган асарлар мазкур Низомда кўрсатилган талабларга жавоб бермаган тақдирда номзоднинг аризасини қайтариш;
- танлов иштирокчиси мазкур Низомда кўрсатилган талабларни бузган ҳамда танловнинг ўтказилиш талаб ва шартларига мос келмаган тақдирда уни танловдан четлаштириш.

4.3. Ташкилий қўмита қуйидаги тартибда қарор қабул қиласди:

- Ташкилий қўмита томонидан барча қарорлар факат аъзоларнинг овоз бериш йўли билан ҳамда ҳал қилинаётган масаланинг муҳимлик даражасига қараб қабул қилинади.
- овоз бериш натижалари, унда Ташкилий қўмита аъзоларининг 2/3 қисмидан кўпи иштирок этган тақдирда, ҳақиқий деб қабул қилинади.

4.4. Ташкилий қўмита танлов жараёнида қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- танловда иштирок этиш учун талабларни ва белгиланган муддатларни ОАВда, Ўзбекистон Бадиий академиясининг расмий манбаларида ва ижтимоий тармоқларда олдиндан эълон қилиш;
- танловнинг барча иштирокчилари учун teng шарт-шароитларни яратиш;
- танловнинг очиқ ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш;

- танлов натижаларини келишилган муддатдан аввал эълон қилинишига йўл қўймаслик;

- танловнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритмаган ижодий ишларни муаллифларига Танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қайтариб бериш. Бунда транспорт харажатлари иштирокчилар ҳисобидан бўлади. Ташкилий қўмита кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ижодий ишлар сақлови учун кафолат бермайди.

4.5. Танлов иштирокчисининг ҳукуқлари қуидагилардан иборат:

- танловни ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида маълумот олиш;

- танловда иштирок этиш учун белгиланган муддатда ариза бериш;

- Ташкилий қўмитага аризалар қабул қилиш муддати тугашидан камида 3 кун олдин мурожаат этган ҳолда ўз аризасини қайтариб олиш;

- танлов ғолиби деб эълон қилинганида соврин(лар)ни ўзи ёки ишончли вакили орқали қабул қилиб олиш.

4.6. Танлов иштирокчисининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

- аризани топширишдан олдин танлов тўғрисидаги мазкур Низом билан тўлиқ танишиш, Низомда кўрсатилган талаблар асосида аризани тўлдирилиш;

- мазкур Низомда кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя этиш.

4.7. Танлов иштирокчisi тақдим этган қўшимча ҳужжатлардаги нотўғри маълумотлар учун жавобгар ҳисобланади.

4.8. Танлов иштирокчisi ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда Ташкилий қўмита томонидан тегишли тартибда танловдан четлаштирилиши мумкин. Иштирокчининг танловдан четлаштирилгани тўғрисидаги хабар унинг электрон почта манзилига (башарти унинг анкетасида электрон манзили кўрсатилган бўлса) юборилади. Танлов иштирокчisi ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганидан сўнг танловга фақат Ташкилий қўмитанинг рухсати билан иккинчи маротаба ариза топшириши мумкин.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

5.1. Асарлар (танлов иштирокчиларининг ишлари) Ҳакамлар хайъати томонидан қуидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

- мазмундорлик. Асарнинг мазмuni асар мавзусига мос келиши лозим;

- рангларнинг аниқ танланганлиги ва мутаносиблиги;

- ижодий ишнинг композицион жойлаштирилиш маҳорати;

- ижодий ишдаги техника маҳорати (ранглар билан ишлаш, ёргулик ва сояларни ишлаш маҳорати);

- композициянинг ишланиш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси;

- асар бадий ғоясининг томошабин ҳамда асар олдига қўйилган вазифаларга мослигига қараб баҳоланади.

5.2. Танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари Ҳакамлар ҳайъати томонидан маҳсус ишлаб чиқилган баҳолаш варақалари ёрдамида баҳоланади.

5.3. Аасарлар (иштирокчиларнинг ижодий ишлари) Ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 баллик тизимда баҳоланади.

5.4. Танлов ҳайъатининг ҳар бир аъзоси ҳар бир номзодга ўз баҳосини қўяди. Ҳар бир асар (иштирокчининг ижодий иши)га Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан қўйилган ўртacha балл келтириб чиқарилади.

5.5. Танловнинг асосий ва қўшимча номинациялари ғолиблари ва совриндорларини аниқлаш тартиби қуйидагича:

- танлов ғолиблари Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўйилган баҳоларга қараб аниқланади;

- танловнинг ёш тоифалари бўйича номзодларнинг якуний баллари тенг бўлиб қолганда, Ҳакамлар ҳайъати раиси иккита овоз бериш хуқуқига эга бўлади ва ҳайъат раиси овоз берган иштирокчи ғолиб деб топилади.

5.6. Танловнинг асосий номинацияси ғолиби қуйидаги ҳолатларда аниқланмаслиги мумкин:

- ташкилий қўмитанинг қарорига мувофик, муайян ёш тоифалари бўйича танловга топширилган ишларнинг ҳеч бири талабга жавоб бермаган тақдирда (агарда тўпланган жами баллар миқдори 5 баллдан паст бўлса) ғолиб аниқланмайди;

- тегишли ёш тоифасида иштирок этувчилар сони 5 тадан кам бўлса ҳамда улар орасидан биринчи ўринга муносиби топилмаса, шу ёш тоифалари бўйича танлов ғолиби аниқланмайди.

VI. Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш

6.1. Танлов ғолибларини тақдирлашни ташкил этиш мақсадида Ташкилий қўмитанинг мажлиси ўtkазилади ҳамда танловнинг натижалари эълон қилинади ҳамда танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

6.2. Танлов натижалари расман эълон қилингунга қадар Ҳакамлар ҳайъати ҳамда Ташкилий қўмита аъзолари бу ҳақдаги маълумотларни ошкор этишлари мумкин эмас.

6.3. Танлов натижалари ва ғолибларнинг рўйхати тантанали тақдирлаш маросимидан сўнг <http://www.art-academy.uz> расмий сайт ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

6.4. Танлов ғолиблари қуйидаги номинациялар бўйича белгиланади:

- Энг яхши миниатюра асари учун;

- Энг яхши график асари учун;

- Энг яхши наққошлик асари учун;

- Энг яхши амалий санъат асари учун (амалий санъат турлари бўйича)

6.5. Танлов ғолиблари қўйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

- “Камолиддин Беҳзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъат асарлари танлови ғолиби Дипломи;

- қимматбаҳо совфа.

- танловнинг ҳар бир иштирокчисига Сертификат берилади.

6.6. Танлов ғолиблари ва совриндорлари ҳомийлар томонидан (Ташкилий қўмита билан келишилган ҳолда) таъсис этилган қўшимча соврин билан тақдирланишлари мумкин.

6.7. Танлов натижаларига кўра Ҳакамлар ҳайъати исталган иштирокчини ҳайъатнинг маҳсус соврини билан тақдирлаш ҳуқуқига эга.

VII. Якуний қоидалар

7.1. Танловни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар “Илҳом” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади.

7.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига ҳомийлик маблағларини жалб этиш мумкин.

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 977-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Бадиий академияси раиси руҳсати билан заруратдан келиб чиққан ҳолда мазкур Танлов Низомига ўзгартириши ва қўшиимчалар киритилиши мумкин.